БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИНИНГ КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ОМИЛЛАРИ

Мусаева Умида Холматжоновна
Жиззах давлат педагогика университети
"Умумий педагогика" кафедрасининг ўқитувчиси
DOI:https://doi.org/10.5281/zenodo.22854818

Республикамизда сўнгги йилларда рақамли таълим билан боғлиқ ҳолда, машғулотларни ташкил этишнинг янги шаклларини татбиқ этиш, таълим сифати ва самарадорлигини ва таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлашнинг меъёрий асослари яратилди. Мамлакатимизни инновацион ривожлантириш стратегияси ва механизмлари, энг аввало, шу давлатда яратилган интеллектуал ва илмий-техникавий салоҳиятидан қанчалик самарали фойдаланиш билан чамбарчас боғлиқ. Фанларни чуқурлаштирилган ҳолда ўқитиш, илмий ва инновацион ютуқларни амалиётга жорий қилишнинг самарали механизмини яратиш устувор вазифалар этиб белгиланди. Бу эса, олий таълим муассасаларида, айниқса, бўлажак ўқитувчиларни компетенциявий ёндашув асосида ўқитиш методикасини такомиллаштириш имкониятларини кенгайтиради.

Педагогик тажрибалардан маълумки, педагог фаолияти ўзига хос мураккаб жараён бўлиб, у ўқитувчидан нафақат олий маълумотга, балки етарли касбий тайёргарликка, педагогик ва касбий тайёргарлик йўналишидаги билим, кўникма ва малакаларга, шунингдек, маълум тажрибага ҳам эга бўлишни талаб этади. Таълим-тарбия жараёнида ўқитувчиларнинг энг асосий ва муҳим аҳамият касб этувчи функцияларини амалга ошириш жараёни бир қанча вазифаларнинг бажарилишини, яъни педагогик жараён субъектларига зарурий шартшароитларни яратиш, уларнинг фаолиятини ташкил этиш, мувофиқлаштириш, назорат қилиш, таҳлил қилиш ва баҳолаш, шунингдек, янги педагогик ва ахборот технологиялари билан қуроллантириш каби қатор вазифаларни ҳам амалга оширишни назарда тутади. Зеро, таълим тизимининг самарадорлиги педагог кадрларнинг тайёргарлик даражаси билан бевосита боғлиқдир.

Замонавий шароитда педагогика олий таълим муассасаларида бўлажак ўқитувчиларни касбий ва педагогик тайёрлашнинг асосий мақсади мустақил ижодий тафаккурга эга бўлган кадрларни тайёрлашдир. Фақатгина махсус билимларга эга бўлиш яхши битирувчини тайёрлаш учун етарли эмас, шахснинг интеллектуал компетентликка эга бўлиши, ижодий салоҳиятига эгалик даражасини ҳисобга олиш керак. Таълим жараёнини самарали ташкил этиш педагоглардан педагогик изланишларни ҳам кўзда тутади.

Касбий тайёргарлик – динамик ҳодиса бўлиб, кўпгина ички ва ташқи омиллар билан детерминация қилинган. Шунинг учун ҳам унинг моҳияти ва кўрсаткичларини аниқлашда кўпгина қийинчиликларга дуч келамиз. Тизимлитузулмавий таҳлил ва фаолиятли ёндашув касбий тайёргарликни қуйидаги босқичлар орқали тавсифлаб бериш имконини беради: 1) касбга мослашиш; 2) талабанинг билиш-касбий фаолиятида ўз-ўзини долзарблаштириши; 3) талабаларда касбий-педагогик фаолиятнинг шакллантирилиши билишфаолиятли ёндашувда юз беради (бу босқични биз малакавий амалиётга тенглаштирамиз); 4) ижодий педагогик фаолиятнинг барча қадамларини бажариш зарурлигини ҳис қилишни кўзда тутувчи педагогик тадқиқотни бажаришдаги шахсий ўзгаришлар, ижодий руҳланиш.

© Ushbu material Creative Commons Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) litsenziyasi asosida tarqatiladi.

Касбий тайёргарлик - таълим олувчиларнинг муайян иш ёки ишлар мажмуини бажариш учун зарур малакаларни жадал эгаллаш мақсадини назарда тутадиган педагогик жараён.

Педагогик фаолият – педагог томонидан касбий мақсадга мувофиқ ташкил этиладиган тизимли ҳаракатларнинг муайян шакли. Педагогик тайёргарлик эса педагогик фаолият учун тайёргарликни кўзда тутади.

Шу ўринда касбий тайёргарлик ва педагогик тайёргарлик ўртасидаги шартли фарқ хақида тўхталиб ўтиш лозим. Таҳлиллар асосида айтиш мумкинки, касбий тайёргарлик муайян фаолият соҳасида белгиланган йўриқномага асосан вазифаларни бажариш имконини берувчи махсус билимлар, малакалар ва кўникмалар тизимини шакллантириш жараёни ва натижасидир. Педагогик тайёргарлик эса, тармоқ фанлари ёки маълум йўналишга кўра бўлажак ўқитувчиларнинг касбий фаолиятни самарали амалга оширишига имкон берувчи билимлар, малакалар, кўникмалар ва компетентлилигини шакллантириш ва ривожлантириш жараёни ҳамда натижасидир.

Бугунги кунда таълим-тарбия жараёнлари иштирокчилари учун куйилаётган замонавий талаблар педагогик жараёнларни лойихалаштириш ва субъектлар фаолиятини режалаштириш, ташкил этиш ва такомиллаштиришда узлуксиз таълим тизими компонентларининг узаро алокадорлиги ва богликлиги, интегратив табиати каби катор узига хос хусусиятларини инобатга олиш; мазкур тизимда инновацион ва хамкорликдаги фаолиятни режалаштириш, ташкил этиш ва такомиллаштириш учун шарт-шароитларни яратиш буйича мавжуд муаммоларни бартараф этишни назарда тутади

Ҳар қандай таълим тизимининг негизида келажак авлоднинг тақдири билан халқ манфаатлари ётади. Бу манфаатларни рўёбга чиқариши учун ёш авлоднинг шахсий фазилатлари етакчи ўрин тутади. Ўсиб келаётган ёш авлоднинг фазилатлари билан касбий билимдонлик даражаси, уларга шу кунда берилаётган билимларнинг тури, ҳажми ва таълим-тарбиянинг сифатига тўғридан-тўғри боғликдир. Шу кунгача инсоният яратган педагогик усуллар камчиликлардан ҳоли эмас. Шунинг учун усуллар назарияси тинимсиз тараққий этиб, барча ўқитувчи ва педагоглар талабга бирдай жавоб берувчи усулларни излаган. Шу изланишлар натижаси ўлароқ, ўқув жараёнининг технологиялашган усули вужудга келди.

Олий педагогик таълим муассасаларида бўлажак ўқитувчилар мутахассислик фанларидан билимларни чуқур эгаллаб, касбий кўникма ва малакаларга эга бўлмоқдалар. Ушбу механизм асосидаги касбий тайёргарликка эга бўлган ўқитувчи, олий педагогик таълим муассасасидан кейинги фаолиятда ҳамиша кутилган натижаларга эришмайди, бу эса ўқитувчи эгаллаган билимлар ва касбий кўникмаларни амалиётда самарали қўллашда қарама-қаршиликларга олиб келувчи бизга номаълум бўлган қонуниятлар борлигидан далолат бермоқда. Педагогик ходимлар касбий тайёрлаш тизимини қайта ташкил қилишнинг асосий йўналишлари бутунжаҳон, миллий ва ҳудудий тенденцияларни акс эттирадиган касбий таълим ривожининг етакчи тенденциялари билан боғликдир. Улар жумласига қуйидагилар киради: таълимнинг узлуксизлигини таъминлаш; инсонпарварлаштириш; ижтимоийлаштириш; демократлаштириш; интеграция; интенсификация.

Шундай қилиб, педагогика олий таълим муассасаларида бўлажак ўқитувчиларни педагогик тайёргарлигини такомиллаштиришда касбий, инновацион ёндашувнинг ўрни педагоглик касбига доир қадриятларни юзага чиқаришда ва педагогик маданиятга киришиш жараёни сифатида талабалар томонидан мазкур қадриятларнинг интериоризациясида намоён бўлади.

© Ushbu material Creative Commons Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) litsenziyasi asosida tarqatiladi.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Салиева З.Т. Педагогика олий таълим муассасалари талабаларининг
2. маънавий маданиятини ривожлантириш механизмларини такомиллаш-тириш.
3. Пед. фан. док. ... дисс. автореф. – Т.: ТДПУ, 2015. – 66 б.
4. Тўрақулов Х.А., Усмонов Н.Ў., Фарсахонова Д.Р. Талабалар маънавийахлоқий тарбияси ва унинг ахборот-коммуникацион технологияси (ўқувуслубий қўлланма). – Т.: Fan va texnologiya, 2009. – 116 б.
5. Фарсахонова Д.Р. Талабаларга маънавий-ахлоқий тарбия бериш
6. технологияси (ўқув-услубий қўлланма). - Т.: Fan va texnologiya, 2009. – 104 б.
7. Ҳайдаров А. Инсон камолоти ва миллий-маънавий қадриятлар. – Т.:
8. Муҳаррир, 2008. – 96 б.

© Ushbu material Creative Commons Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) litsenziyasi asosida tarqatiladi.